

Андижон қишлоқ хўжалик институти.

“Педагогика ва табиий фанлар” кафедраси

п.ф.н. Азимжонов Назиржон

Инновацион фаолиятининг назарий омиллари.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

Инновацион фаолиятининг назарий омиллари.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

* **Инновацион технология»лар тушунчаси**

* Шу вақтгача анъанавий таълимда талаба (ёки ўқувчи)ларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талаба (ёки ўқувчи)ларда мустакил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирар эди.

* Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи) асосий фигурага айланади.

Ахборот технологияси

- * *Ахборот технологияси* - объект, жараён ёки ходисаларининг холати ҳақидаги янги маълумотларни олишда маълумотларни йиғиш усуллари, маълумотларни етказиб беришдан ва воситалар мажмуидан фойдаланиш жараёнидир. Ахборот технологиялари таълимий маҳсулотлар ва хизматлари ташкил этишда дастгоҳ ҳисобланади.
- * *Таълимий маҳсулот*- ўқув жараёнида тадбиқ қилиш учун ифодаланган маълумотлар мажмуидир.
- * *Янги ахборот технологияси*- шахсий компьютерлари ва телекоммуникация воситалардан фойдаланувчи ахборот технологиясидир.

- * Педагог - олимларнинг йиллар давомида таълим тизимида
- * *Нега ўқитамиз?*
- * *Нимани ўқитамиз?*
- * *Қандай ўқитамиз?* саволларига жавоб излаш билан бир қаторда
- * *Қандай қилиб самарали ва натижалли ўқитиш мумкин?* - деган саволига ҳам жавоб қидирдилар.
- * Бу эса, олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини *технологиялаштиришга*, яъни ўқитишни ишлаб-чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди.
- * Бундай фикрнинг туғилиши *педагогика фанида янги педагогик технология йўналишини* юзага келтирди.

- * Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.
- * Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.
- * Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари - интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба талаба (ёки ўқувчи)ларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

- * **Инновация** (инглизча *innovation*) - янгилик киритиш, янгилик демакдир.
- * Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол («**Inter**» - бу ўзаро, «**act**» - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, **ўқитишнинг интерфаол** услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, Унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

- * Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талаба (ёки ўқувчи)ларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.
- * Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:
 - * талаба (ёки ўқувчи)нинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
 - * талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
 - талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
 - педагог ва талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилишлари киради.

* Педагогик технология масалаларини ва муаммоларини ўрганаётган баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, *педагогик технология* - фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситалари, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техник воситалардир. Бизнинг фикримизча, **педагогик технологиянинг энг асосий негизи** - ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) нинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ.

* Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолат-ланган натижага эришишда қўлланиладиган -ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи)лар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу - ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

* Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик **технология** - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талаба (ёки ўқувчи)нинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир. Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиши ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи)нинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

* Ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи)нинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб, ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки, компьютер билан ишлаш лозимдир, балки фильм (ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар) керак бўлар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи)ларга боғлиқ.

* Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва этиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак.

Шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, талаба (ёки ўқувчи)ни таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Технологик харита

- * Ҳаётда ҳар бир дарснинг яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарснинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитиладиган предмет, фаннинг хусусиятидан, талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.
- * Технологик харитани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига

- * Дарсинг технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади.
- * Мисол тариқасида қуйида ҳуқуқ фанидан «Оталикни белгилаш» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарсинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитасини ҳавола қиламиз.

Технологик харита

Мавзу	Оталикни белгилаш
Мақсад, вазифалар	<p>Мақсад: Талабаларга оталикни белгилашнинг моҳияти, аҳамияти, асослари ва тартибини тушунтириш.</p> <p>Вазифалар: - Талаба (ёки ўқувчи)ларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда мавзу асосида билим ва кўникмаларни шакллантириш ва кенгайтириш. - Мавзуга оид тарқатилган материалларни талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат- мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.</p>
Ўқув жараёнининг мазмуни	<p>Боланинг насл-насабини белгилаш Оталикни белгилаш зарурати қайси тушунчаси. ҳолларда вужудга келиши. Оталикни белгилашнинг мақсади ва аҳамияти. Ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида оталикни белгилаш. Отанинг аризаси асосида оталикни белгилаш. Оталикни белгилаш муносабати билан туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш.</p>

Мавзу	Оталикни белгилаш
<p>Ўқув жараёнини нинг мазмуни</p>	<p>Боланинг- насл-насабини белгилаш Оталикни белгилаш зарурати қайси тушунчаси. ҳолларда вужудга келиши. Оталикни белгилашнинг мақсади ва аҳамияти. Ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида оталикни белгилаш. Отанинг аризаси асосида оталикни белгилаш. Оталикни белгилаш муносабати билан туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш.</p>
<p>Ўқув жараёнини амалга ошириш технология си</p>	<p>Услуб: Оғзаки баён қилиш, «Бумеранг» технологияси Шакл: Сухбат-мунозара, амалий. машғулот, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш. Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, ариза. маълумотнома, хабарнома бланкалари. Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида. Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш. Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>

Мавзу	Оталикни белгилаш
<p>Кутила- диган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир машғулот жараёнида барча талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади. Талаба (ёки ўқувчи): Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади ва баҳолай олади.</p>
<p>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгариш- лар)</p>	<p>Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. Талаба (ёки ўқувчи): Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини равон баён қила олади. Шу мавзу асосида кўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади.</p>

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машгулоти бўйича тузган технологик харитаси, унга фан (ёки предмет)ни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради.

Айниқса, технологик хаританинг талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга ва бу билан ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради. Ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи)ларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши, талаба (ёки ўқувчи)ларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради.

* Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш талаба (ёки ўқувчи)ларни ўқитиш ва тарбиялашни янада самарали бўлишини таъминлайди. Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Технологиялар жуда хилма-хилдир. Улардан Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А.ларнинг “ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР” (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар) китоби билан сизларни танишиб чиқишингизни тавсия этамиз. Унда талаба (ёки ўқувчи)ларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, Рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам берадиган тавсиялар берилган. Келтирилган тавсиялардан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган технологияларни худди шу тартибда ўтказишлари шарт эмас. Ҳар қайси ўқитувчи бу технологиялар асосида уларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарс технологияларини яратишлари, берилган технологияларни тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

Ахборот технологияси

- * -объект, жараён ёки ходисаларининг холати ҳақидаги янги маълумотларни олишда маълумотларни йиғиш усуллари, маълумотларни етказиб беришдан ва воситалар мажмуидан фойдаланиш жараёнидир. Ахборот технологиялари таълимий маҳсулотлар ва хизматлари ташкил этишда дастгоҳ ҳисобланади.
- * *Таълимий маҳсулот*- ўқув жараёнида тадбиқ қилиш учун ифодаланган маълумотлар мажмуидир.
- * *Янги ахборот технологияси*- шахсий компьютерлари ва телекоммуникация воситалардан фойдаланувчи ахборот технлогиясидир.

Жамиятни ахборотлаштириш

- * - фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжни ва уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни қанотлантиришдаги мақбул шартларни, давлат хокимият органларини, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва уларни шакллантириш асосида жамоат бирлашмаларини ташкил этишни яратишнинг ташкиллаштирилган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёндин.
- * Таълимни ахборотлаштириш жамиятини ахборотлаштиришнинг муҳим элементларидан ҳисобланади.

- * Таълимни ахборотлаштириш қуйидаги қулайликларга эга:
- * жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳақидаги маълумотни ва билимларни олишга йўл очиб беришда;
- * шахснинг интеллектуал ва ижодий қулайликларини ривожлантиришда;
- * жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида активлик оқимида малакасини оширишда фаолият фазосини тезкор ўзгартиришида;
- * масофавий ўқитиш узиб кетувчи таълимни ва самарасини оширишни таъминлашда;
- * таълим маҳсулотларини ва хизматларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги инфор­мацион технологиялар қўлланилади;
- * гуруҳлаш, ҳиллаш, ҳисоблаш, маълумотларни агрегатлаш учун маълумотларни қайта ишлаш инфор­мацион технологиялари мўлжалланади;
- * масофавий ўқитиш қатнашчиларининг ҳаммасини инфор­мацион талабларини қондириш учун бошқарув инфор­мацион технологиялари мўлжалланади;
- * масофавий ўқитиш қатнашчилари ва компьютер ўзаро ахборот технологиялар мўлжалланади;
- * билимлар йиғилган фанлар бўйича экспертларнинг маҳсулотларини масофавий ўқитиш фойдаланувчилар томонидан олиш имкониятини берувчи эксперт тизимлар инфор­мацион технологиялари.

* Жаҳон иқтисодий тизимларининг дунё миқёсида умумий кенг тус олиши, жаҳондаги бир неча илғор мамлакатларни маълумотлаштириш жамоа босқичига кириши ва давлатнинг дунёвий иқсодиёт кенгашига олиб чиқиши учун Республикамиз Президенти томонидан қўйилган масалалар, шу билан бирга шартли бўлган «рақобатни» ҳамма тармоқларига киритиш ва шу борада айниқса, давлатнинг Олий маълумот тармоғига киритилиши бизнинг давлатни олий маълумот тизимининг рақобатчилик тўғрисидаги савол дунёвий бозорга фаол бўлиши турган гап. Берилган муаммонинг ечими асосийлардан бири, янги таълим технологияларини киритиш, шунинг орасида Республиканинг олий таълимда масофавий ўқитиш услуги ўз ўрнини эгаллаши керак. Дунёда масофавий ўқитиш услугини қўллаш бўйича жуда катта тажриба орттирилган, жумладан: энг зўр тажрибали ўқитувчилар мутахассислар ўқитилаётган кишига индивидуал ҳолда ёрдам бериши, талабаларни ўқишини ҳар хил услубда назорат қилиши, ўқувчиларнинг билим савиясини баҳолаш йўллари туфайли талаба ва ўқитувчиларнинг ўқиш сифатини ва меҳнат унумини оширади.

Масофавий ўқитиш услубини сифатли қўлланишига сўзсиз қуйидаги йўлланмалар киради:

- * **Ўқитилаётган борлиқни марказлаштириш.** Ўзимизни ва чет эл профессорларини, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларини қўллаш, энг яхши ўқув қуроолардан фойдаланиш эътиборда тутади. Ҳар хил ўқиш манбаларидан фойдаланиш, талабани ахборот билан таъминлаш, бу ахборот эса ўз навбатида, бутун дунё мутахассислари билимлари жамидан олинган, электрон кутубхонлардан олинган ахборотларни ишлатиш, шу ва яна бошқа билимларни бир дақиқада талаба ва ўқитувчилар ишлатиши мумкин.

- * Ўқитувчига талабни кучайтириш.** Ўқиш
жараёнининг стандарт ҳолда жамланиши, тушунарли ҳолда ўқитувчиларнинг билим даражасини ошириши мажбурияти юклайди. Бу услублар уларнинг иш натижасини ва билим даражасини кўтарилишига ёрдам беради.
- * Ойдинлаштирилган таълим бериш жараёнининг таъминланиши, узлуксиз мониторинг имконияти, ўқув жараёнларининг тўғри назорат қилинишини ва бошқарилишини, олий ўқув таълим вазирлиги ва университет ходимлари томонидан билим савиясини текширилишини (ўқиш жараёнида талаба ва ўқитувчиларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, бу ерда талабанинг фаоллиги ва ўқитувчи ишининг унумлилиги, талабаларнинг аттестациядан ўтказиш амаллари ҳам киради) таъминланишига олиб келади.**
- * Ўқитувчиларнинг қайта тайёрлаш ва қайта ўқиш тизимлари самарадорлигини орттириш.**

* **Ўқитиш турининг эгилувчанлиги.** қулай вақтда шуғулланиш мумкинлиги, қулай жойда ва қулай тезликда, талабаларнинг билим қабул қилишининг ҳар хил шакллари қўллаш мумкинлиги, улар томонидан моделлаштириш ва кўргазмали воситаларни жойида қўллаш, ахборот ва билимларни етказишда кўргазмалилик, тасаввурлар шулардан ҳамда ўқитишнинг ўйин шаклидан фойдаланиш.

- * **Ўқитувчининг роли ва хилма-хиллик имкониятларини кўтариш.** Ўқитувчининг ўқувчига нисбатан шахсий ёндашишни ҳар хил шакллари қўллаш.
- * **Ҳар бир талабанинг билим даражаси ва тайёргарлигига, ҳамда унинг қобилиятига мос равишда шахсий ёндашишининг қўллаш мумкинлиги.**
- * **Ўқувчининг билим ва тадқиқот мотивлари ва стимуллари ривожлантириш.** Ўқувчининг ўқитувчига ва ўзаро мулоқатидаги ишончсизлик ҳиссиётидаги психологик тўсиқларни йўқотиш, талабанинг интеллектуал ва илмий имкониятларини, ўз-ўзини ташкиллаштиришни ривожлантириш.
- * **Ўқувчи шахсий фаолияти билан ўқитишни бирга олиб бориш.**

* **Иқтисодлилиги.** Бу тизим ўқитишдаги кечикишларни камайтиришни таъминлайди. Ўқитиш хоналаридан фойдаланиш, йўл харажатлари ва таклиф қилишга малакали ўқитувчилар учун ишдан хақ тўлаш. Улар ўз билимларини масофадан ўқитиш режимида узатишлари мумкин. Соғлигининг ҳолати, ижтимоий ва моддий таъминланганлигидан қатъий назар билим олишнинг кенг имкониятлари яратилиб ижтимоий тенглик яратилади.

* **Ўқитиш доирасида мусобақа муҳитини расмийлаштириш.**

Масофадан ўқитиш технологияси бу - жамиятни ахборотлаштириш умумий оқими ва йўллари билан жипслашган бўлиб, масофавий ўқитишнинг техник воситаларини ахборотлаштириш тизимлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнини автоматлаштириш тизимларини замонавий ахборотлаштириш технологияси асосида биргаликни таъминлайди.

* **Масофавий ўқитиш усулидан фойдаланишнинг камчилиги-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита мулоқат ва психологик бирликни чегараланганлигидир.**

- * **Хулоса** килиб олганда, масофавий ўқитиш тизими ўқувчи ва талабаларда таълим тизимидаги бўлаётган дунёвий ўзгаришлар, техник воситалардан фойдаланиш йўллари, унинг қанчалик афзаллик томонларини ва шу билан бирга камчиликларини ҳақида маълумот беради.
- * Таянч иборалар:.. масофавий таълим ривожланиш босқичлар. мавжуд масофавий таълим тизимлар афзалликлари, камчиликлари, масофавий ўқитишнинг техник воситалари. Интернет.

Такрорлаш учун саволлар.

- * 1. Олий таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни кўлланиши.
- * 2. Замонавий информацион ва педагогик технологиялар асосида итисодий фанларни ўқитиш.
- * 3. Масофавий таълим ривожланиш боскичларини айтинг..
- * 4. Мавжуд масофавий таълим тизимлар афзалликлари, камчиликлари ва масофавий ўқитишнинг техник воситалари нималардан иборат?

Адабиётлар

- * 1. Н.Азизхужаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент., 2003.
- * 2. У. Маҳкамов, Н. Тилабова, Ш. Тилабоева. Педагогик маҳорат. Т-2003
- * 3. Подласўй И. П. Педагогика . Москва ,1999.
- * 4. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.
- * 5.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
- * 6. М. Очилов Янги педагогик технологиялар. Қарши “Насаф”, 2002.
- * www.school.edu.ru.
- * www.ppsy.ru.
- * www.wings.ru
- * www.ppf.uni.udm.ru

Қўшимча адабиётлар

- * 1. Е.Н. Пронина, В.В.Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит», Москва 2004.
- * 2.Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академіа».
- * 3.Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.
- * 4.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Миҳенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
- * [www.inter – pedagogika. ru.](http://www.inter-pedagogika.ru)